БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 21 сентябрь Жума

№ 180 (13.616). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига делегатлар кўрсатилмоқда

КОТИБ ЎЗГАРМАДИ...

Тошкент Давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиётида комсомол ҳисобот-сайлов йиғилиши жўнгина бошланди. Кун тартибидаги масалалар ўқиб эшиттирилгач, делегатлар орасида ғала-ғовур кўтарилди. Кимдир «ҳисобот керак эмас, йўқ нарса ҳақида гапиришнинг нима кераги бор. Яхшиси қилинадиган ишлар тўғрисида гаплашайлик», деди. «Йўқ, ҳисоботни эшитамиз», жавоб қилди бунга жавобан бошқа биров. Қисқаси, кўпчиликнинг хоҳиш-иродасига кўра куллиёт комсомол қўмитасининг котиби Ғулом Назаров ҳисобот маърузасини ўқиди.

Ғуломжон минбардан гапираяпти-ю, мен делегатларни зимдан кузатяпман. Кимдир диққат билан котибни тинглаяпти, кимлардир ўзаро пичирлашиб ўтиришибди, яна кимларнингдир энсаси қотган. Комсомол анжуманларидаги одатий ҳол бу. Маъруза қисқагина бўлди.

— Саволлар борми? — сўради раислик қилувчи залда ўтирганларга қарата. Ҳамма жим. Дорилфунун комсомол қўмитасининг котиби Равшан Ҳакимов ҳам президиумда ўтирганди. Йиғилиш бошланиши арафасида у билан суҳбатлашгандик. «Талабалар бизни роса танқид қилишади, ҳали ўзингиз гувоҳ бўласиз», деганди. Маърузадан кейинги жимликдан хижолат тортди. Делегатларни дадилликка, фаолликка чақирди:

— Наҳотки, котибингизга ҳеч бир саволингиз бўлмаса? Нима, ўқишларингизда, ётоқхоналарингизда муаммолар йўқми?..

Ундан сўнг бир толиб (янглишмасам иккинчи курсда ўқийди) ўрнидан туриб қизишиб гапира кетди:

— Ўтган йилги ҳисобот-сайлов йиғилишида фаол қатнашгандик. Саволлар бериб, талаблар қўйгандик. Лекин ҳаммаси оғизда, қоғозда қолиб кетди. Талабларимизнинг биронтаси бажарилмади...

Савол-жавоб, баҳс-мунозаралар қизиб кетди. Бу ерда лоқайд, шунчаки кузатувчи бўлиб ўтирган талабалар ҳам беихтиёр баҳсларга аралашиб кетишди. Ҳамма эмас, албатта.

«Комсомол прожектори» раиси Бахтиёр Мирмаҳмудовнинг ҳисоботи ҳам баҳсларга бой бўлди. Бахтиёрнинг куйидаги гаплари диққатимни тортди:

— Рейдлар ўтказдик, суратлар, деворий рўзномалар чиқардик. Уларда ҳатто камчиликка йўл қўйган домлаларимизни ҳам танқид қилдик. Комсомолнинг обрўси тушиб кетди. Нега у айтайлик, норасмий ташкилотлардан паст туриши керак? Биз бошқаларга эргашмаслигимиз, керак бўлса фирқадан ҳам ўтиб кетишимиз лозим.


Куллиёт комсомол қўмитаси, жумладан, «Комсомол прожектори»нинг йиллик фаолияти кўпчилик овоз билан қониқарли деб топилди. Йиғилиш қатнашчилари олдида яна учта асосий масалани ҳал этиш вазифаси турарди. Булардан бири — комсомол қўмитасининг котибини сайлаш. Котибликка учта номзод кўрсатилди. Ҳар бир номзодга сўз берилди. Улар орасида Ғулом Назаров ҳам бор эди. Яна бир номзод — бешинчи курс толиби Фахриддин Номозов. Учинчи йигит ўз номзодини қайтиб олди.

Сир эмас. Биз етакчи ўзгарса иш яхшиланади деб ўйлаймиз, кўпинча. Улар ўзгаравераdi. Бири кетиб иккинчиси келаверади. Аксар ҳолларда эса ишда сезиларли ўзгариш бўлмайди. Натижада бу «чархпалак» айланаверади. Ишда янгилик ясаш, ижодий ўзлаштиришлар қилиш энг аввало ўзимизга боғлиқ эканлигини ҳамма вақт ҳам тушуниб етавермаймиз.

Бу гал бўлажак ҳуқуқшунослар тушунишди. Кўп мушоҳадалардан сўнг котибни ўзгартирмасликка қарор қилишди. «Паст-баландни ўрганди, бироз бўлса-да, тажриба тўплади, энди ишласин», дейишди. Ғуломжон қайтадан котиб этиб сайланди. Талабалар Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди делегатлигига ҳам унинг номзодини кўрсатишди.

Бир неча соат давом этган комсомол ҳисобот-сайлов йиғилишидан сўнг шу нарсани англадимки, ҳали ёшлар орасида комсомол ишига қизиқадиган, унинг куч ва имкониятларига ишонадиган, қолаверса, комсомолнинг оёққа туриб олиши учун курашадиганлар ҳам талайгина экан. Демак, ишлаш, ишончни оқлаш керак.

Ҳайдар АКБАР.





«Ҳосил—90»



ОЛИМНИНГ ОТАСИГА РАҲМАТ

Агроном олим Қурбонали Абдусаматов янги препарат яратди. Ҳозирги деҳқон ўзига анча пишиқ: ҳар қандай янгиликни жон деб қабул қилавермайди. Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичибди, деган гап бор. Шунинг учун унинг: «Бу препаратнинг қандай кароматн бор?» деб сўраши аниқ.

Ҳозирги кунда жумҳуриятимизда ҳар қарич ер, ҳар томчи сув ҳисоб-китобли. Ҳосилдорликни ошириш-ку биринчи галдаги вазифа. Янги препаратни яратишдан мақсад, ана шу долзарб муаммоларни ҳал этиш.

Янги препарат Оқолтин ноҳияси «Чинобод» давлат хўжалигидаги Аббосхон Маҳкамов бошлиқ бригада далаларида синовдан ўтказилди. Натижа қалай, дерсиз? Аъло.

— Ана шу препарат ишлатилган далаларимиздаги ғўзалар тез ривожланди, — дейди Аббосхон ака. — Сувсизликка чидамли. Ҳосил кўриб турганингизлардек, жуда яхши.

Олимнинг ҳисоб-китобига кўра, мазкур препарат жумҳурият далалаларида айланиладиган бўлса, ҳосилдорлик ортиши ҳисобига бир неча минг гектарга яқин пахта майдонларида мева-чева, сабзавот экинларини кўпайтириш мумкин. Бир парча ерли бўлиш илинжида юрган деҳқонларимиз қанчадан-қанча. Уларни тўлиқ ер билан таъминласак борми, ўзимиз ҳам тўямиз, бошқалар ҳам. Оқ олтин ноҳиясидаги «Чинобод» давлат хўжалиги аъзолари буни тасдиқлашаяпти. Мана бу чапдаги суратда самимий жилмайиб турган йигитларга қаранг. «Зангори кема» қопи қанчалик тез тўлса, улар шунчалик кўп қувонишади. Сабаби оддий: биринчидан ҳақ олишдан камситилишини истамайди, иккинчидан, йигит бўлганингдан кейин темир от билан мажбуриятингни бажаришни, шу билан юзинг ёруғ бўлишини хоҳлайсан-да, албатта.

Муҳаббат Меҳмонова билан Одина Жамоловалар (ўнгда, юқорида) ишларининг унумлигини сезишяпти. Ҳосил яхши бўлсагина барака бўлар экан.

Механизатор Машраб Жалолов ҳам бу йил далада ўзгариш бўлганини сезяпти. Ёш, айни орзу-ҳавас билан яшайдиган даври. Орзу ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Бир томондан ҳамён бақувват бўлиш керак. Бу яна ҳосилга келиб тақалади. Шу олимнинг отасига раҳмат. Шунақа препаратлар кўплаб яратилсин. Бундай янгиликлар пахтакорнинг жонига оро киради, уни ташвишлардан халос этади.

Е. БОТИРОВ суратлари.

Жумҳурият янгиликлари

ХОРАЗМНИНГ ихтисослаштирилган жамоа ва давлат хўжаликлари шоли ўримига киришдилар.

Гурлан ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигининг, «Россия» ва Ал-Хоразмий номли давлат хўжаликларининг комбайнчилари мавсумнинг дастлабки кунлариданоқ яхши натижаларга эришмоқдалар. Мазкур хўжаликлар бу йил ҳам ҳар гектар ердан 50 центнердан дон олишга қарор қилишган.

Хўжаликларда механизаторларни, автомашина ҳайдовчиларини, ўримда қатнашаётган барча кишиларни маънавий ва моддий рағбатлантириш чоралари ишлаб чиқилган. Меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш кўзда тутилган. Масалан, комбайнчиларга режадан ташқари шолиси ўрилган ҳар гектар учун қўшимча ўн сўмгача пул тўланади. Аввалги йиллардан фарқли равишда иш ҳақи ўша куннинг ўзида, далада тўланади.

Бу йил Хоразм шоликорлари давлатга камида 80 минг тонна сара дон топширишга қарор қилганлар.

ФАРҒОНА ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалиги механизаторлари далага пахта териш машиналарини олиб чиқишди.

Хўжалик меҳнаткашлари бу йилги мавсумда давлатга 2250 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» сотишлари керак. Шундан 1200 тоннасини машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилишган. Хўжаликдаги жами 12 та машинанинг саккизтаси ҳозирнинг ўзидаёқ тўла қувват билан ишламоқда.

Мавсум давомида 180—200 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган пешқадам механик-ҳайдовчилар М. Шерматов, К. Аҳмаджонов, А. Бойтулоқов, И. Қодиров ҳар куни хирмонга 7-8 тоннадан пахта тўкишмоқда.

Жамоа хўжалик бошқаруви теримнинг жадал суръатлари ва сифатини таъминлаш ниятида механизаторлар учун барча шароитларни яратиб берди. Машинада терилган ҳар тонна пахта учун уларга 10 сўмдан ҳақ тўланмоқда. Улар учун бепул иссиқ тушликлар ташкил қилинган. Механиклар билан слесарлар бригадаси техниканинг бетўхтов ишлашини таъминламоқда.

ГУРЛАН пахта тозалаш заводининг жамоаси пахта толасининг дастлабки тонналарини мамлакат тўқимачилик корхоналарига жўнатди. Пахтага ишлов берила бошланган дастлабки кунларданоқ заводда ишлаб чиқариш бригадалари ва участкалари ўртасида мусобақа авж олди. Ҳозир заводнинг барча ишчи ва хизматчилари бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Уларнинг фарзандлари эса корхона ҳисобидан шу заводга қарашли болалар боғчасига қатнамоқда.

«Хорезмхлопкопром» бирлашмасининг барча пахта тозалаш заводлари пахтани қайта ишлашга киришди.

(ЎзТАГ).

Шу сонга хабар

Ёш депутатлар билан учрашув

ШУ КУНЛАРДА Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги комсомол ходимлари малакасини ошириш олийгоҳида жумҳурият, вилоят, ноҳия Шўроларига сайланган ёш депутатлар бир ҳафталик сабоқ олмоқдалар.

Куни-кеча жумҳурият Фанлар Академиясининг ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгаши катта илмий ходими, иқтисод фанлари номзоди Фарҳод Рўзиев, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказқўми ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари бўлими мудирининг ўринбосари Жамолиддин Камолов ҳамда ёшлар матбуоти ходимлари билан ёш депутатлар учрашуви — мулоқоти бўлди.

Фарҳод Рўзиев депутатларга жумҳуриятнинг иқтисодий аҳволи, иқтисодий мустақиллик ва бозор иқтисодиёти ҳақида сўзлаб берди. Ёш депутатларнинг кўплаб саволларига жавоб берди.

Шунингдек, учрашувда жумҳуриятдаги ёш депутатларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириб турадиган марказ ёки клуб ташкил этиш таклифи ўртага ташланди. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси бу фойдали ташаббусни қўллаб-қувватласа ва ана шундай марказ ёки клуб ташкил этишга ўз ҳиссасини қўшса нур устига аъло нур бўлур эди.

Фойдали мулоқот

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасида комсомол ходимлари малакасини ошириш олийгоҳи тингловчиларининг ёшлар оммавий ахборот воситалари масъул ходимлари билан мулоқоти бўлиб ўтди. Унда ёшлар ва болалар нашрлари ҳамда Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси «Ёшлик» студиялари вакиллари тингловчиларга ёшлар оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифалар, муаммолар ҳақида сўзлашди, саволларга жавоб беришди

Мулоқотни олиб борган Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг котиби А. С. Қодиров келгуси йилдан бошлаб бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан рўзнома ва ойномалар нархи ошганлиги туфайли бу йилги обуна кампаниясига жиддий ёндашиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. У комсомол ходимларининг келгуси йилда ҳам ўз рўзнома ва ойномалари муштарийларининг сафи кенгайишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирди.

(Ўз мухбиримиз).

Комсомоллар ташаббуси билан

НАМАНГАНДАГИ «Коммунизм» жамоа хўжалигида илгари моддий ёрдам кўрсатилмаган кўпчиликнинг оилавий бюджетига қўшимча даромад туша бошлади. Хўжалик комсомол ташкилоти боқувчисиз қолган ёш оилаларни ўзининг доимий оталиғига олди, шунингдек, фақат аъло баҳоларга ўқиётган юқори синф ўқувчиларига стипендиялар тўланмоқда.

Турган гап, комсомол бадалларидан ажратилган маблағ барча харажатларни қоплаш учун етмайди. Бу ўринда комсомолларга ёшлар ташкилотининг ташаббуси билан очилган ширкатлар ёрдам бераяпти. Ширкатлар комсомол ҳисобига ҳар ойда беш юз сўмдан пул ўтказмоқда.

Ҳарбий қисмда учрашув

КЕЙИНГИ вақтда жумҳурият оммавий ахборот воситалари вакилларининг Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий мавзеси қисм ва бўлинмаларида бўлиб, командирлар, сиёсий қисмларнинг бошлиқлари, оддий аскарлар билан бевосита учрашувлари анъанага айланмоқда. Куни-кеча мавзенинг ҳарбий қисмида яна бир ана шундай учрашув ўтказилди.

Ошкоралик руҳида ўтган давра суҳбатида майор В. Содиқов, бўлинма командири А. Муртазин, жумҳурият Олий Шўроси мудофаа масалалари ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш комиссияси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати А. Емельянов, «Комсомолец Узбекистана» рўзномасининг муҳаррири А. Пукемов, катта лектор, подполковник С. Большаков, «Ёш ленинчи» рўзномасининг ходими М. Қурбонниёзова ва бошқалар ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилдилар. Улар, жумладан мамлакат қийин кунларни бошдан кечираётган ҳозирги пайтда армиядаги қайта қуриш, демократия ва ошкоралик тўғрисида, Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган ҳарбий ислоҳот ҳақида, армияда ўзининг она-Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этаётган ёшларимиз турмуш шароитлари, ўзаро муносабатлари, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар тўғрисида, буларнинг матбуот саҳифаларида етарли даражада ёритилмаётганлиги ҳақида гапирдилар.

Суҳбат қатнашчилари ҳозирда армияда тўпланиб қолган ва ўз ечимини кутиб турган кўплаб муаммоларни тилга олдилар. Жумҳуриятимиздаги йигитларни армия хизматига жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама пухта тайёрлаш, аскар йигитларни маънавий тарбиялаш, армия ва халқ бирлигини янада мустаҳкамлаш борасида командирлар ва сиёсий идораларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор бердилар.

(ЎзТАГ).

Луқма

Муҳритдин байрамга нега келмади?

«...Жумҳуриятда донг таратган хушовоз хонандалар Маҳмуджон Азимов ҳамда Муҳритдин Ҳолиқовлар даврага файз киритиб, ўзларининг дилрабо қўшиқлари билан ҳаммани мамнун қиладилар».

(«Ёш ленинчи», 1990 йил 8 сентябрь).

Маълумки, шу йилнинг 7-8 сентябрь кунлари Гулистон ноҳиясида «Ёш ленинчи» кунлари ўтказилди. Бу кунлар қизиқарли учрашувларга, баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Ёш шоирлар ўз шеърларидан намуналар ўқиб бердилар. Маҳмуджон Азимов бошлиқ санъаткорлардан ноҳиямиз меҳнаткашлари ҳали-ҳалигача мамнунлар.

Лекин бизни бир нарса ажаблантиради. Рўзноманинг 8-сентябрь сонида махсус мухбир Зиёвуддин Ортиқхўжаевнинг «Ҳаммаси ҳали олдинда» сарлавҳали мақоласида Маҳмуджон Азимов билан бирга Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзод Муҳритдин Ҳолиқов ҳам байрам тантаналарида қатнашади, деб ёзилган эди. Афсуски, Муҳритдин «Ёш ленинчи» байрамига келмади. Бошқача қилиб айтсак, у ноҳиямизнинг кўп сонли комсомол-ёшларини, меҳнаткашларини ҳурмат қилмади. Бундай одамни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодликка кўрсатишнинг ўзи ажабланарли ҳол. У бундай юксак комсомол мукофотига лойиқ эмас.

Муҳритдин нима учун байрамга келмади? Биз «Ёш ленинчи» рўзномасининг кўп сонли гулистонлик муштарийлари ана шу саволга Муҳритдин Ҳолиқовдан рўзнома орқали жавоб беришини талаб қиламиз. Ҳолиқов кимни ҳурмат қилмади? Рўзноманимими ёки гулистонлик ёшларнимиз?

Шунга аниқ жавоб кутиб, комсомол-ёшлар ва байрам тантаналарида қатнашган 4000 дан ортиқ меҳнаткашлар номидан:

Гулистон ноҳияси комсомол қўмитасининг биринчи котиби Абдураҳим ИСОҚУЛОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: сўз навбати Муҳритдин Ҳолиқовга. У бу ҳақли талабга нима деб жавоб қайтарар экан!

Гаровга олинган бола

АВВАЛИГА ҳаммаси жиноятчи ўйлаганидек бўлди: шартлашилган ерга, у айтган вақтда пул солинган тугунча олиб келинди. Бироқ рэкетчи уни қўлга олиши билан, нимадир шарақлаб, кишанга тушганини пайқади.

Бу воқеа Янгийўлда рўй берди. Ички ишлар вазирлигининг маҳаллий бўлимига савдо ходим М. мурожаат этиб, 8 сентябрь куни унинг етти ёшли ўғлини ўғирлаб кетишганини айтди. Номаълум, киши унга дўқ-пўписа қилиб, болани қайтариб бериш учун катта пул талаб этди. Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими жиноий қидирув ишлари хизмати ходимлари кўрган чора-тадбирлар натижасида шу ерда яшовчи, 29 ёшли А. деган кимса қўлга олинди. Ўғирланган бола ота-она бағрига қайтди.

Поездга отилган тош

10 СЕНТЯБРЬ куни «Салор — Хўжакент» йўлида қатновчи электропоезд Луначарский станциясига яқинлашганида 148-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Н. Акмал тош билан охирги вагоннинг деразасини уриб синдирди. Тош йўловчи К.нинг бошига келиб тегди.

Тошкент станцияси ички ишлар йўл бўлимида ўқувчининг ота-онаси катта жарима тўлаши кераклиги хусусида хабар қилдилар.

Жазо муқаррардир

ТОШКЕНТ шаҳар ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси жиноий қидирув хизмати ходимлари тошкентлик Ю.нинг уйига қароқчиларча ҳужум қилинганлиги тўғрисида хабар олишлари биланоқ ўйлаб ўтирмадилар, дарров ишга киришдилар.

Воқеа бундай бўлган эди. Уйига бостириб кирган безорилар уйдаги қарияга пичоқ ўқталиб, уни калтакладилар ва «ВАЗ—2109» автомашинасини ўғирлаб кетдилар. Уни қайтариб бериш учун 30 минг сўмдан кўпроқ пул сўрадилар.

Безориларни қидириш ва қўлга олиш операцияси тез ва соз ўтказилди.

Ҳозир мазкур иш юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

Хатлардан сатрлар...

«УЙГА қайтаётганимда вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Чилонзорнинг ўн тўққизинчи даҳасида пичоқ ушлаб олган икки номаълум киши йўлимни тўсди. Улар мендан пул ва олтин буюмлар талаб қилишди. Бундай нарсалар эса менда йўқ эди. Шундан кейин эгнимдаги кийимим ва шиппагимни ечиб олишди. Тилла тишимни кўриб, тош билан уриб суғуриб олиш учун қоронғуликка судрашди. Мен овозим борича қичқира бошладим.

Милиция ходими жонимга оро кирди. Унинг исми-шарифини кейинчалик билиб олдим. У Акмал Икромов ноҳия ички ишлар бўлимда ишлайдиган катта лейтенант Р. Раҳимбобоев экан. Безорилар қўлларидаги пичоқлари билан унга ташланишди. Милиция ходими осмонга ўқ узди, лекин ҳужум қилаётганлар йўлларидан қайтишмади. Ана шунда Р. Раҳимбобоев безорилардан бирининг оёғига қараб ўқ узди. Иккинчиси қочиб кетди, лекин кейинроқ ушлаб олишди. Бутун оилам номидан Раҳимбобоевга миннатдорчилигимни билдирсангиз».

Қароқчиларга ҳужум қилганлиги учун ушланган Мансур С. билан Игорь Б. Чилонзорда туришар, илгари судланган эканлар. Раҳимбобоев уларга қарши курашда қуролдан тўғри фойдаланган. Ҳар икки безори тергов қилингандан сўнг судда жавоб беради.

Жумҳурият Ички ишлар вазирлигининг матбуот шўъбаси хабарларидан.

Шу сонга хабар

Соҳиба ЭРГАШЕВА:

«Ўзлигимга хиёнат қилолмайман»

Ҳаммаси кутилмаганда рўй берди. Бинойидек ишлаб юрган одамга «Ариза ёзиб, ишдан кет», —дейишди. Соҳиба опа бундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Соҳиба опа учун бу зарба оғир бўлди. Ўзини йўқотиб қўйди. Йиғлади, юраги куйиб йиғлади. Йўқ, йўқ, қўлидан амали кетаётгани учун эмас, ҳали-бери эски қолипни синдириб бўлмаслигини, ҳали ақл-идрокдан, адолатдан пул, уддабуронлик устунлигини ўйлаб йиғлади.

Ўша куни яқинларидан бирининг туғилган куни эди. Меҳмонлар кайфиятини бузмай деб ўйнаб-кулишга ҳаракат қилди. Барибир бўлмади. Унга нимадир бўлганини ҳамма билди. Одатда бундай пайтда одамларнинг, ҳатто ўз яқинларининг муомаласи ўзгаради. Соянгга салом бериб юрганлар ҳам ўзларини четга олишади. Бироқ, бу сафар ҳаммаси аксинча бўлди. Соҳиба опанинг кўнглини олиш учун минг айланиб, ўргилишди.

Кейинги куни эса Соҳиба опанинг ҳаётида унутилмас кун бўлди. Кичик шаҳарда ҳар бир гапнинг тарқалиши осон. Соҳиба опани ишдан бўшатишаётгани ҳақида бирбиридан эшитган мингларча одамлар ижроқўм эшиги олдига тўпланишди...

Унинг аризасини қайтиб беришди.

Менга бу воқеани бир танишим ҳикоя қилиб берганди. Ва иш фаолиятимда биринчи марта жуда кўпчиликдан маҳаллий раҳбар ҳақида, аниқроғи, ижроқўм раисининг муовини ҳақида илиқ гапларни эшитдим. Ўша пайтдаёқ у билан суҳбатлашишни ният қилиб қўйгандим.

Тўғриси, Қўқон шаҳар ижроқўмида кўп бўлганман. Ва у ерда очиқчеҳра, соддадил, ҳеч ким мурожаат этишдан тортинмайдиган, одмигина энгил-бош кийган бир аёлни кўп учратганман. Лекин худди ана шу аёл раиснинг муовини эканини хаёлимга ҳам келтирмагандим.

Одатда аёллар кийим-кечакка, зебу зийнатга ўч бўлишади. Тузукроқ мансабдагилар эса кийимнинг сарасини кийишади. Худди шу тасаввур хаёлимга михланиб қолганиданми, Соҳиба Эргашевани сўраганимда анчагина уринган оқ-қора атлас кўйлак кийган, бепардоз юзларидан самимият ёғилиб турган аёлга рўпара қилишса, рости бу учрашув менга эриш туюлди.

Шу куни эртадан кечгача Соҳиба опа билан бирга бўлдим. Ҳам ҳайрат, ҳам қониқиш билан унинг ишини кузатдим. Кечки соат еттиларда уйга қайтарканман, оғир жисмоний иш қилиб толиққан одамга ўхшардим. Фақат руҳим енгил, чунки мен кўнглимни тўлдирган қаҳрамонимни кашф этгандим.

Биз энг таҳликали кунларда учрашдик. Қўқон воқеасининг рўй берганига бир йил тўлган кунлар эди. Оналар бегуноҳ фарзандларининг фожиали ўлимига кўниколмаётган бир йил юракларни зардобга тўлдирганди. Ҳозиргача сиёсий баҳосини олмаган, ҳали фожианинг илдизлари изланмаётган кунларнинг бир йиллигини халқ қандай қаршилайди, ҳеч ким билмасди.

Бундай пайтда қош қўяман деб кўз чиқариш ҳеч гапмас. «Ишбилармон» раҳбарлардан бири йил ошини ўтказиш учун азадор хонадонлардан бирига ул-бул жўнатибди. Ва уй соҳибидан шу нарсаларни олганлиги ҳақидаги қоғозга қўл қўйиб беришини сўрашибди. Ана ундан кейинги машмашани кўринг. Паҳлавондек ўғлини қора ерга қўйиб, куйиб ёнаётган ота-она, бу муомалани қандай баҳолаши мумкин? Табиийки, боласи ҳурматини ерга уриш дейди. Ахир юрагида одамларга нисбатан озгина меҳри бор раҳбар шу ишни қилармиди?

Норасмийлар мотам кунларида митинг ўтказишмоқчи бўлишди. Ва рухсат сўраб ижрокўмга келишди. Театр биносида кичикроқ йиғин ўтказишга рухсат тегди. «Бирлик», «Одамийлик ва инсонпарварлик» халқ ҳаракати вакилларининг Соҳиба опа билан муомаласини кўриб, яна ажабландим. Митингни қандай ўтказиш, қачон азадор хонадонларга таъзияга бориш—ҳамма-ҳаммасига Соҳиба опа бош.

Соҳиба опа ўша куни ҳам одамлар орасида эди. Ўша кунлардаги энг хавфли даҳа — месхети турклари яшайдиган маҳаллани кезди. Одамларга тушунтирмоқчи бўлди, ялиниб-ёлворди. Даҳшатдан қорайган юзлари ёшларни инсофга ундади. Ғазабнок оломон эса унга теккани йўқ.

* * *

Ҳеч ижроқўмга ишингиз тушганми? Тушмаган бўлса, энди ҳам тушмасин. Соддароқ, тўғрироғи маълумотсизроқ, бўлсангиз, ҳолингизга вой. Бир танишим 8 йилда ҳам уй ололмади, тўғрироғи навбатга туролмади. Сабаби навбати йўқлигини, уни рўйхатга олишмаганини у билмасди. Бир марта иш жойидан ариза ёзди. Ва роса кутди. Бу орада ишдан бўшади. Кейин ижроқўмга ариза кўтариб борди. Эгизак фарзандларим бор, навбатсиз уй беришадими, деб. Рўйхатга оладиган ижроқўм хизматчиси кўнглини тўлдириб чиқариб юборди. Тушунтириб ўтиришмади. Мана бундай ҳужжатлар керак, рўйхатга олганимиздан кейин уйингизга қоғоз боради, дейишмади. У яна кетди. Давлатдан, ҳукуматдан норози бўлди. Ижроқўмдаги оддий хизматчининг эса бировни аҳмоқ қилгани учун ақалли виждони қийналмади. Ахийри шикоят кўтариб раиснинг ҳузурига киргач, иши битақолди.

Соҳиба опа эса ҳар бир одам билан бафуржа суҳбатлашади. Йўл-йўриқ кўрсатади. Ишини битириб бермагунча кўнгли жойига тушмайди. Нима учун шундай бўлиб қолди ўзи? Раҳбар билан гаплашиш осонроқ, оддий хизматчига қараганда. Соҳиба опанинг олдига одамлар оқиб келишади. Ишлари унга тегишлими, бошқасигами, фарқи йўқдай. Шуни билишадики, унинг ҳузуридан ноумид чиқишмайди. «Ҳар бир одамни омма сифатида эмас, шахс сифатида кўришимиз керак. Бунинг учун эса масъулият кучли бўлиши керак», — дейди Соҳиба опа.

Унинг бу фикрига жон деб қўшилдим. Ижроқўм халқнинг оғирини енгил қиладиган жой экан, унда ишловчиларнинг масъулиятини ошириш керак.

Шаҳар рўзномасида ўқиб қолгандим. Узоқ йиллар ижроқўм раисининг муовини бўлиб ишлаган Шуригин деган кишини ишдан бўшатиладди. У уй-жой тақсимоти билан шуғулланарди. Унинг даврида таниш-билишчилик илдиз отди. Аллақанча уйни қонунсиз йўл билан танишларига берди.

Натижаси нима бўлди, дерсиз. Одамларнинг айтишича, келажагини таъминлаб улгурган корчолонга ҳеч қандай жазо берилмади. Демак, амалда пайтингда ҳар қанча нопокликларга қўл уришинг, қора кунларингнинг эҳтиётини қилиб қўйишинг мумкин. Қўлга тушсанг, сендан нима кетарди. Амалинг, холос.

Ана шу маънода Соҳиба опанинг турмушига назар ташлайман. У тўрт қаватли уйнинг охирги қаватида яшайди. Икки фарзанди, эри, ўзи. Қўқондек кичик шаҳар шароитида кўпқаватли уйда фақат имкони йўқ кишилар, ёш оилаларгина яшаши мумкин.

— Ўзбек оиласига барибир кўпқаватли уйда яшаш ноқулай. Тағин охирги қават. Наҳотки ҳовли сотиб олишга имконингиз бўлмаса? Менимча, шаҳардаги бирорта раҳбар кўпқаватли уйда турмайди. Сизнинг ўрнингиздаги ҳар бир одам аввало ўзи ҳақида ўйларди.

— Мен ундай қилолмайман. Қандай тушунтирсам экан, сизга. Тўғри, имконим бор. Мана, яқинда кўпчиликка ер берилди. Мен ҳам яхши жойдан ер олишим ва тез орада қуриб битказишим мумкин эди. Албатта, ўз мавқеимдан фойдаланиб шундай қилсам, мен ўзимга хиёнат қилган бўлардим. Ўзимни-ўзим ҳурмат қилмай қўярдим. Менга ўз қувончим эмас, ўзгалар қувончи, менинг ёрдамим теккан одамларнинг бир оғиз миннатдорчиликлари ҳузур бағишлайди. Мен ўз ҳаётимни ўзгалар шодлигига бахш этганман.

Соҳиба опа онадан ёш етим қолди. Онаси Ҳабиба опа турмуш қийинчиликларига тоб беролмай ҳаётдан эрта кетди. Армонлар қабрига кўмилган онажонисининг ожизликларига қарши ўлароқ кучли, иродали бўлишни, ўзлигини яратишни қатъий ният қилиб қўйди. Шундай яшайинки, онамнинг фожиаси такрорланмасин менда. Шу ниятда ўқиди, ишлади. Саккиз йил шаҳар комсомол қўмитаси саркотиби, саккиз йил мактаб директори, кейин педагогика билим юрти директори, 1987 йилдан шаҳар ижроқўми раиси муовини. Рақамларга кўз ташласанг, ҳаммаси жуда силлиқдай туюлади.

Аслида эса, гўдагини қўшни хонада ухлатиб ишлади, чунки у пайтлар аёлларга ҳомиладорлик таътили оз муддат бериларди. Ишламай деса, нияти, рўзғор ташвиши. Юзага чиқиши қийин бўлди. 70-йилларда жумҳурият раҳбари билан келишолмагани учун қайнотасини йўқотиб юборишди. Унга эса «униб ўсаман десанг, eрингдан ажрал» деб маслаҳат беришди. Вилоят комсомол қўмитаси котиблигига номзоди кўрсатилганда эса ўша пайтдаги вилоят раҳбарларидан бири конференция залидан уни чиқариб юборди. Яшаш оғир бўлди, ўша пайтлар 13 жон нонга зор кунлар ҳам бўлди. Балки ўша кунлар сабабдир Соҳиба опанинг инсофли, диёнатли раҳбар бўлишига. Балки ўша кунлар сабабдир адолатсизликни, мунофиқликни ҳазм қилолмаслигига.

* * *

Қайта қуриш, ошкоралик сабаб шаҳарда ҳам ҳаёт ўзгарди. Турли оқимлар, турли уюшмалар вужудга келди. Диннинг таъсири кучайди. Бундай пайтда халқни бошқариш қийин. Одамлар фирқа қўмиталарига мурожаат этмай қўйганини ҳисобга олсак, ижроқўмдагиларнинг аҳволини тасаввур этиш мумкин.

Бунинг яхши томонлари ҳам бўлди. Норасмийларнинг саъй-ҳаракати туфайли маҳаллий ҳокимият уддасидан чиқолмаётган ишлар амалга оширилди. Жумладан, Қўқон кимё заводи ёпилди. Экологик тангликни бартараф этиш чоралари кўрилди. Рўзнома-ойнома, радиоойнаи жаҳонда ўнлаб маротаба бу заводнинг зарарлилигини исботловчи материаллар берилган бўлса-да, СССР Кимё саноати вазирлиги олимлару мутахассисларнинг таклифларини эътиборга олгани йўқ. Аҳоли қатъияти туфайли заводда дарҳол иш тўхтатилди. Халқ бир ишга жазм этса, албатта, уддасидан чиқади.

Шаҳарда 8 мачит диндорларга қайтиб берилди. 10 дан зиёди қуриляпти.

— Ҳамма нарсанинг ҳам чегарасини билиш керак, — дейди Соҳиба опа. — Ҳамма яхши ниятли одамларнинг мақсади бир—халқнинг фаровонлигини ошириш. Бироқ бир нарсага тушунмайман. Нима учун баъзи одамлар беш бармоғини баравар оғизларига тиқишаркин. Шаҳримиздаги «Нур» мачити ҳовлисида болалар боғчаси бор. Унда 180—200 нафар бола тарбияланади. Диндорларимиз нима қилишмоқчи денг, ўша бинони бузиб мачитга қўшиб олишмоқчи. Минглаб болалар боғча учун навбатда турган бир пайтда бу одамларнинг шароитини оғирлаштиришдан бошқа нарса эмас. Наҳотки, 200 болани қаровсиз қолдириш эвазига қилинган иш худога хуш келса? Наҳотки, имонли, юрагида меҳр-муҳаббати бор одам шундай ишга қўл урса?

Қайта қуриш инқилобий жараён бўлгандан кейин тарихий ўзгаришлар юз бериши шубҳасиз. Бунга эса биз тўла тайёр эмасмиз. Бунинг учун одамларимизда сиёсий онг, маънавий туғаллик етишмайди. Биз энди фақат бир нарса мукаммал келажак авлодни тарбиялаш билан ўз хатоимизни тўғрилашимиз мумкин. Бунинг учун болаларга, оналарга имтиёз жуда кўп берилиши керак.

Бола 6 ёшгача энг кўп ахборот олади. Бу ёшда бизникилар боғчада бўлишади. Кун бўйи ўз ихтиёрида бўлолмайди. Гапиргиси, ўйнагиси, фикрлагиси келган пайтда тарбиячидан қўрқиб индамай ўтиради. Секин-аста ташаббускорлик сўниб мутеликка, бефарқликка ўрганади. Демак, шундай чора кўришимиз кераки, ёш боласи бор аёлларга ишлашдан уйда ўтириш афзал кўринсин. Бунинг учун ҳозирда белгиланаётган имтиёзлар етарли эмас.

Соҳиба опадан нима ҳақда сўраманг, ўз фикри, мулоҳазасини айтади.

— Маорифимизнинг ҳозирги аҳволи—томирсиз дарахтни эслатади. Унинг бутун даҳшати қулаб тушганда билинади. Бор имкониятни ишга солиб, маорифни ўн карра, юз карра яхшилаш керак. Бизга аввало тарбияли тарбиячилар керак. Чаласавод ўқитувчи жамиятни ҳалокатга етаклайди. Японлар тажрибасини олинг. Оғир аҳволга тушиб қолишганда, бор маблағларини ана шу соҳага сарфлашган. Вақт кўрсатдики, улар энг тўғри йўлни танлашибди.

Фарғона воқеалари ҳақида сўз очганимда эса Соҳиба опа ёниб кетди.

— Фарғона воқеалари икки миллат ўртасидаги тўқнашув эмас. Ана шундай ўйлаганлар хато қилишади. Ўзбеклар бировни ўлдирадиган, миллатчи халқ эмас. Арманистонда зилзила бўлган кунлар ёдингиздами? Ўшанда уч кун ухламагандик. Одамларимиз ўлимлигига атаган матосигача олиб келиб берди. Келтирилган нарсалар, бола оламан, армanларга жой бераман деганларнинг рўйхати жилтжилт бўлиб кетди. Арманларга шунчалар жони ачиган халқим ўз биродари, қариндоши туркларга ёмонликни тилармиди? Ўшдаги воқеалар-чи? Нимага бу воқеалар бир-бирига ўхшайди. Ҳаммасида бир хил усул, бир хил услуб. Ҳаммасида қора ниятли бир гуруҳнинг қўли бор. Нимагадир масъул идоралар ўша гуруҳни топишни истамаяптилар...

* * *

Соҳиба опа қўлимга шаҳар кўчалари тўғрисидаги ижроқўм қарорини тутқазди. 400 кўчадан 96 тасининг номигина ўзгартирмай қолдирилди. Қолганлари-чи? Буни қаранги, қолган ҳаммаси Оврўпо халқига мансуб, Иккита шеър ёзган шоирдан тортиб то қўқонликлар тугул ўзбекистонликлар ҳам танимайдиган кишилар номида экан. Нима учун бундай ҳол рўй берди? Яна ўша «юқори»га ёқишни истаган амалсевар раҳбарларнинг «ишбилармонлиги».

Ҳайрият, адолат тикланди. 300 дан зиёд кўчанинг номи ана шу шаҳар аҳли учун мўътабар бўлган кишилар номи ёки шаҳар тарихига боғлиқ атамалар билан номланадиган бўлди.

Ана шунга ўхшаш савобталаб ишлар Соҳиба опанинг зиммасида. Баъзан муаммоларни ҳал қилолмай боши қотади. Талашиб-тортишади, илтимос қилади, талаб қилади. Ишқилиб ҳар бир ишни ниҳоясига етказмай қўймайди.

Унинг ана шу тиниб-тинчимаслиги кимларгадир ёқмайди. Раҳбармисан, ўз ўрнингда тур, дегувчилар ҳам бўлди. «Яшашни билмайсан» — дейишди. Ҳа, Соҳиба опа ўзи учун яшашни билмайди. Агар бир кун келиб уни ишдан бўшатишса ҳам, фақат ана шунинг учун «ўзи учун ишлолмаслиги» учунгина бўшатишади...

Муяссар МАНСУР қизи.
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.
Қўқон шаҳри.



Шаҳрисабз ноҳиясидаги Ленин номли асаларичилик давлат хўжалигида асал қуйиш цехи ишга туширилди. Бу вилоятдаги турдош хўжаликлари орасидаги биринчи қишлоқ цехидир.

Энди хўжалик асаларичилари ўз маҳсулотларини илгаригидек катта бидонларда эмас, балки кичик банкачаларга қуйиб жўнатиш имкониятига эга бўлдилар. Цехда ҳар куни минг банка атрофида маҳсулот тайёрланмоқда. Хўжалик иқтисодчиларининг ҳисоб-китобига қараганда янги цех йилига 90-100 минг сўм соф фойда келтириши мумкин экан.

Суратда: цехнинг илғор ишчиси Сарагул Мейлиева.

ЎзТАГ мухбири Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

Хушхабарлар

«СРЕДАЗТРАНССТРОЙ» ва «Ташметрострой» трестлари жамоаларига биринчи ярим йиллик иш якунларига кўра, кўчма Қизил байроқлар ва пул мукофотлари топширилди. Иттифоқ Транспорт қурилиши вазирлигининг ҳайъати билан тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг президиуми улар меҳнатини шундай тақдирлади. Тақдирланганлар орасида «Самарқандтрансстрой» тресті ходимлари ҳам бор. Бу жамоалар сўнгги йиллар давомида Бутуниттифоқ меҳнат беллашувида доимий равишда совринли ўринларни олиб келмоқда. Улар мамлакатда биринчилардан бўлиб ўзини ўзи пул билан таъминлашга асосланган хўжалик ҳисобининг икинчи модели бўйича ишлашга ўтганлар.

* * *

«ЗИЛЗИЛАБ А Р Д О Ш ЛИК» жумҳурият илмий-техникавий дастури лойиҳаси устидаги иш тугалланди. Уни тайёрлашда қурувчилар, меъморлар, зилзилашунос олимлар иштирок этдилар. Дастурда зилзила таъсирини ўзида синаб кўрган иншоотларни паспортлаштириш кўзда тутилган, ер ости иншоотлари ва бинолар пойдеворлари зилзилабардошлилигини таъминлаш тадбирлари белгиланган. Дастурнинг асосий мақсади — зилзилалар туфайли кўриладиган зарарни камайтириш, одамлар хавфсизлигини таъминлашдир.

* * *

«УЗБИТХИМ» ишлаб чиқариш бирлашмаси шу корхона маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси ва меҳнат жамоаси кенгашининг қарорига биноан ўз меҳнаткашлари обуна бўладиган рўзнома ва ойномалар нархининг ярмини тўлашни ўз зиммасига олди. Бунинг устига, «Узбитхим»нинг ҳар бир ходими ҳар қандай нашрга ҳеч қандай чеклашларсиз обуна бўлиши мумкин. Бу катта даромад олаётган бутун жамоанинг бир маромда ишлаши туфайли мумкин бўлди. Тошкентлик кимёгарлар масалан, танқис кир ювиш порошогининг ўзидан йил охиригача планга қўшимча равишда 28 минг тонна ишлаб чиқарадилар.

(ЎзТАГ).

Хориждан хабарлар

ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК КУНИ НИШОНЛАНДИ

БМТ. СИТА мухбири Николай Маслов хабар қилади. Сешанба куни БМТнинг НьюЙоркдаги қароргоҳи узра тинчлик қўнғироғи жарангладди. БМТ Бош котиби Хавьер Перес де Куэльяр бонг уриб, Халқаро тинчлик куни бошланганидан дарак берди, кўп йиллик анъанага кўра, бу кун БМТ Бош ассамблеясининг навбатдаги сессияси очилиши арафасида нишонланади.

«Биз фавқулодда ўзгаришлар даврида яшаб турибмиз, — деди Х. Перес де Куэльяр маросимда сўзлаган нутқида. — Халқаро муносабатларда янги давр бошланмоқда, эндиликда катта-катта жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти асосий роль ўйнайдиган бўлиб қолди. Намибия мустақилликка эришганлиги ва Никарагуадаги вазият тартибга солинганлиги БМТ ўзининг ноёб вазифасини бажаришга — тинчликни сақлаш, ардоқлаш ва мустаҳкамлашга қодир эканлигининг яққол тасдиғидир».

«Миллий хусусиятлар ва маданиятлар хилма-хил ва кўп қиррали бўлишига қарамай, — деб таъкидлади БМТ Бош котиби, — жаҳон халқлари ялпи буюк мақсад — ер юзида ҳамма учун тинчлик бўлиши манфаатлари йўлида ҳамжиҳатликка ва муносабатлар уйғунлигига эришиш йўлларини сабот билан қидиришлари керак».

«БМТ Уставига мувофиқ вазифаларни оғишмай бажариш унга аъзо бўлган барча давлатлар учун қатъий талаб ҳисобланади, — деди Хавфсизлик Кенгашининг раиси, СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Ю. М. Воронцов сентябрдаги маросимда сўзлаган нутқида. Ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқ нормалари қўпол равишда бузилаётганлиги бутун халқаро ҳамжамиятнинг хавфсизлигига катта таҳлика солмоқда. Хавфсизлик Кенгаши бу можароларни тинч ва одилона ҳал қилиш учун бутун куч-ғайратини сарфламоқда. Халқаро Тинчлик куни ҳаммамизга айни БМТ Устави қоидалари ва талабларига риоя этиш, халқаро тинчликни ва ер юзида хавфсизликни сақлаш учун асос яратишини ўз вақтида эслатиб турибди», — деб таъкидлади Ю. Воронцов.

ЭРИНИ УЙИДАН ҲАЙДАГАН ХОТИН

ЛУАНДА, (СИТА мухбири Юрий Ларичев). «Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим», деган доно нақл бор. Лекин Ангола пойтахтида истиқомат қилаётган 52 ёшли Жоау ди Деуш бу нақлга амал қилмади ва уни севимли рафиқаси ўз уйидан шармандаларча ҳайдаб юборди. Мария Шипаланганинг сабр косасини тўлдириб юборган сўнгги томчи бунга сабаб бўлди — эри... мактабда ўқишдан... бош тортган эди. У бечора ёши ўтиб қолганлигига хотинини ишонтириш учун бекорга уринди.

Жоау ва Мария 27 йил бир ёстиққа бош қўйиб, аҳил ҳаёт кечиришди, саккиз фарзанд кўришди, улар ўз навбатида ота-оналарига беш набира совға қилиб, ота-оналарини бахтиёр этишди. Оила бошлиғи слесарь бўлиб ишлайди, у мустамлакачилик даврларидан бери икки синф маълумотини ўз касби учун мутлақо етарли, деб ҳисобларди. Бироқ рафиқаси, ўз қадр-қимматини биладиган аёл бошқа фикрда эди: маълумот олган, айни вақтда янада юқорироқ малакага эга бўлган Жоау «халқ дўконлари» деб аталган дўконлардан давлат нархида озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун кўпроқ патта олиб келиши мумкин эди.

Кўп йиллардан бери уруш гирдобига тушган Анголада ҳам маълумки, маҳсулотларни тақсимлашда паттачилик услуби мавжуд.

Аёл охир-оқибатда бунга чидаб туролмади, ор-номусини йиғиштириб қўйди. «Мен бутун умр гуруч билан балиқ ейишни хоҳламайман», — деб бақирди жаҳли чиққан аёл ва саводсиз эрининг жулдурларини кўчага улоқтирди. Жоау содир бўлган воқеага «файласуфларча» ёндашганлигини алоҳида айтиш керак. У энди умрининг охиригача уйланмаслигини айтди.

Бироқ мактабга бориш хаёлига ҳам келмади.

МАНА БУНИ АДОЛАТ ДЕЙДИЛАР

АФИНА. (СИТА мухбири Владимир Малишев). Йўловчини манзилга олиб боришдан бош тортганлиги учун қамоққа олинди. Афинада такси ҳайдовчи Эфстратиос Галфос билан унинг йўловчиси ўртасидаги баҳс ана шундай ниҳоясига етди. Греция пойтахтининг аэропортида бир йўловчи шу ҳайдовчига мурожаат этиб, Афинанинг олисроқ Кукаки деган жойига олиб боришни илтимос қилди. Афтидан, бу узоқ йўл Э. Галфосга «фойдасиз» кўринди шекилли, у илтимосни қатъиян рад этди. Ғазабланган йўловчи бекат ёнида навбатчилик қилаётган полициячига мурожаат этди. Шикоят натижаси ҳайдовчи учун аянчли бўлди: унинг қўлига шу заҳотиёқ кишан солиб, йўловчилар ташиш қоидасини бузганликда айблаб, қамоқхонага олиб бордилар.



Сиз суратда кўриб турган машина полициячиларники. Радио тўлқинларни ушлашга мослаштирилган. Жуда замонавий. Хўш, Таиландда бундай машиналардан қандай мақсадда фойдаланишаяпти? Хоҳловчилар кўп, ўрин кам. У ердаги олийгоҳ домлалари биздаги каби «холис хизмат»га унчалик ўрганишмаганми, ишқилиб абитуриентларга ўқишга кириш учун мафия ёрдам беради. Митти радиочалар орқали. Имтиҳон саволи аниқ бўлгач, эвини қилиб радиога шипшийсиз, бир неча дақиқадан сўнг ишончли жавоб тайёр.

СУРАТДА: разведка органларининг махсус машинаси Бангкок дорилфунуни ҳовлисида.

Б. Чехонин сурати. (СИТА).

Ранг-баранг олам

АВТОЙЎЛДАГИ ҲАЛОКАТ

● ВЕНГРИЯНИНГ автомобиль йўлларидан бирида катта фалокат рўй берди. Қуюқ туман натижасида 20 та енгил ва юк машиналари тўқнашиб кетди. Воқеа содир бўлган жойга 136 кишидан иборат бир неча полиция бригадалари, врачлар, ўт ўчирувчилар жами 49 та турли транспорт воситаларида, шунингдек, маҳаллий аҳолидан ташкил топган кўнгиллилар ёрдамга келишди. Армия ва турли ташкилотлар техника билан кўмаклашишди. Энг ажабланарлиси шундаки, бу фалокатда бир киши ҳалок бўлиб, 36 одам жароҳат олган. Бунинг асосий сабаби — фалокатга учраган машиналарнинг бирортасида ҳам тез ёниб кетадиган юк бўлмаган.

БИР АСР КАСАЛ БЎЛМАГАН КИШИ

● ЮГОСЛАВИЯНИНГ энг кекса фуқароси Фуца Скендерская исмли момо 115 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Фуца буви умрининг охиригача тинч ўтирмай, бирор юмуш билан шуғулланган. Энг ажабланарли жойи шундаки, маҳаллий поликлиникада унинг тиббий варақаси топилмади — момо ўзининг узоқ умри давомида бирор марта ҳам соғлиғидан нолиб, врачларга мурожаат қилмаган.

РАНГИ ЎЗГАРУВЧИ АРТИСТ

● УНЧА КАТТА бўлмаган Папуа — Янги Гвинея давлатининг пойтахти Порт-Морсби шаҳрига австралиялик цирк усталари келишди. Санъаткорлар ижро этган номерлар томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Айниқса, Ку-Ку тахаллусли артистнинг ижроси шаҳар аҳолисини лол қолдирди. У бир неча идишдаги турли суюқликларни ичади, орадан 10-15 минут ўтгач, артист бадани териси оч жигаррангдан — товланувчи қора ранггача ўзгаради. Шундан кейин Ку-Ку яна аллақандай суюқликни ичгач, териси ранги аста-секин ўз ҳолига қайтади.

КИТОБ ОЛДИНГМИ — ВАҚТИДА ТОПШИР!

● КАНАДАНИНГ Гатино шаҳрида кутубхонадан китоб ўғирлаганлиги учун жаҳонда энг кучли қонун мавжуд. Бу ерда китобни ўз вақтида келтирмаган киши катта жарима тўлайди, агарда у шундан кейин ҳам китобни кутубхонага олиб келмаса, икки йилга озодликдан маҳрум этилади.

Ранг-баранг олам

Бизни ўйлантираётган муаммолар

ЧЕКИНАЁТГАН ДЕНГИЗ

СССР ОЛИЙ ШУРОСИНИНГ ЭКОЛОГИЯ ВА ТАБИАТ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ БУЙИЧА ҚУМИТА РАИСИ Қ. САЛИҚОВ БИЛАН МУСОҲАБА.

— Калимбек Салиҳович, рўзнома таҳририятига келаётган кўпгина хатларда муштарийларимиз Орол денгизи тақдиридан, ушбу минтақада яшаётган одамлар қисматидан бениҳоя ташвиш чекаётганларини баён этишган. Уларни тўлқинлантираётган масалалар юзасидан сиз билан фикрлашсак девандим.

— Орол денгизи минтақасидаги вазият амалда одамзот назоратидан чиқиб кетди. Инсоният тарихида биринчи марта бутун бошли бир денгиз жуғрофий объект сифатида ғойиб бўлмоқда. СССР «Госкомгидромет»инининг маълумотига қараганда, 1989 йилда сув сатҳи 1961 йилдагига нисбатан 14 метрдан зиёд чўккан, денгиз майдони учдан бирга, сувнинг умумий миқдори эса 60 фоизга қисқарган. Сувнинг шўрлилик даражаси бир неча бор ортган. Балиқлар тамомила ҳалок бўлган.

Қуриб қолган денгиз қаъридан йилига 100 миллион тоннага қадар туз-чанг тўзони кўтарилиб, кўплаб юз километр масофага тарқалмоқда. Оролбўйи иқлими ёмон томонга кескин ўзгараётир. Ўртача бир суткалик ҳарорат кўрсаткичи тобора кўтарилиб бораяпти ва ёзда 47 даражагача иссиқ бўлса, қишда 17 даражагача совуқ бўлаётир.

Бугунга келиб денгиз анчайин тез суръатлар билан қуриб бормоқда. Қаттиқ шамол қўзғалган кезларда осмон қуюқ қора туман билан тўсилиб қолади, кўчаларда, мисол учун, Нукус шаҳри кўчаларида туз-чанг тўзони ғужғон ўйнайди. Аччиқ-нордон ёмғир ёғади. Кўпинча у шоли ва бошқа дон экинлари гуллаган аснода ёғади. Боғу роғлар ва токзорлар қурийди, бинолар нурайди. Тўқайзор майдонлари 200 баробардан зиёдга қисқарди.

Орол ўта тезликда ғойиб бўлмоқда, айрим жойларда ҳозирнинг ўзидаёқ сув билан эски қирғоқ ўртасидаги масофа 100 километрни ташкил этади. Денгиз узоқлаша борган сайин тупроқости сув сатҳи пасайиб бораётир; кўл ва дарёларгина қисқаргани йўқ, булоқлар ва яқин атрофдаги ер ости сув манбалари ҳам ғойиб бўлди. Буларнинг бари шиддатли суръатларда юз бераётган қурғоқчилик таъсир доираси кенгая бориши билан олдинма-кейин содир бўлмоқда. Ҳаёт воқелиги шундан иборат — тадбирлар ишлаб чиқишда кечикаётирмиз, табиат эса унга қўпол муносабатда бўлганимиз учун, қолоқ маданиятимиз учун ва айниқса, турғунлик даврида иқтисодиётни бошқарган кишиларнинг ҳаддан ташқари паст экологик ҳулқи учун биздан ўч олаётир.

Минтақада санитария-эпидемиологик вазият ҳам жуда ёмон аҳволда, халқнинг саломатлиги тобора ёмонлашмоқда. Қорақалпоғистонда ўтказилган умумтекширув аҳолининг 60 фоизи зудлик билан даволаниши лозимлигини кўрсатди.

Сўнгги тиббий тадқиқот маълумотларига қараганда, туғилган 1000 та гўдакдан 51,9 таси ўлмоқда, мамлакат бўйича бу нисбат 22,2 ни ташкил этади. Бу бор ҳақиқат. Бу ачинарли ҳол Орол муаммосига худди Чернобиль фожиасига кўрсатилаётгани каби эътибор қилиниши кераклигини билдиради.

— Оролбўйида биринчи бўлиб Қорақалпоғистон аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказиш тугалланди. У нимани кўрсатди?

— Катта ёшдаги аҳолининг қарийб 70, болаларнинг 60 фоиздан кўпроғи саломатлигига путур етганлиги аниқланди... Одамлар истеъмолга яроқсиз сувдан ичадилар, канализация мутлақо йўқ. аҳоли пунктларида фаровонликка хизмат қилувчи нарсалар етишмайди. Қишлоқ аҳолисининг 18 фоизигина водопровод сувидан фойдаланади, қолганлар эса очиқ ҳавзалар ва қудуқ сувларидан истеъмол қилишга мажбур.

— Биз тез-тез «Оролбўйи» тушунчасидан фойдаланамиз. Унга қандай ҳудудлар киради?

— Қорақалпоғистон МЖ, Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилоятини марказ деб ҳисоблаш мумкин, умумий ҳудуд эса жуда кенг ва кенгайишда давом этяпти. Хоразм вилояти, Тошҳовуз вилояти, шунингдек Қорақалпоғистон билан туташ бўлган Бухоронинг уч ноҳиясини Оролбўйи ҳудудига киритиш даркор. Бундан ташқари Қозоғистоннинг Актюбинск вилоятидаги уч ноҳия ҳам уларга Оролбўйи ҳудудий мақомини беришни талаб қилмоқдалар. Ўйлайманки, бу адолатли талабдир.

— Кейинги йилларда КПСС Марказий Қўмитаси ва мамлакат ҳукуматининг қатор қарорлари қабул қилинди. Нима, улар зарур самара бермадими?

— Дарҳақиқат, 1986 йилда КПСС Марказий Қўмитаси ва СССР Вазирлар Кенгашининг «Қорақалпоғистон МЖнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини жадаллаштириш юзасидан тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинганди. Мазкур ҳужжат Қорақалпоғистон вилоят фирқа қўмитаси талаби ва М. С. Горбачевнинг қўллаб-қувватлаши натижасида юзага чиққан эди. Биринчи марта бизга Орол фожиаси ҳақидаги шармандали сукунат пардасини юлиб ташлаш ва бор ҳақиқатни бутун мамлакатга айтиш насиб этди.

Ушбу қарор туфайли Москва ва Тошкент Қорақалпоғистонга жиддий эътибор бера бошладилар. Денгизни хароб қилган айбдорларнинг кўплари ўша йилларда ҳали ўз мансаб курсиларида ўтиришарди. Уларнинг ҳомийлари ҳам ҳали кучли эди. Ва энг муҳими, СССР Сув хўжалиги вазирлигининг идоравий ҳукмронлиги тугамаганди — ўзи маблағ билан таъминлар, ўзи қурар ва иншоотларни ўзи қабул қилиб оларди.

Ўша пайтдаги СССР мелиорация ва сув хўжалиги вазири Н. Васильев билан бўлган учрашувни ҳали-ҳали эслайман. Биз унинг қўлига 20 йилга қадар қурилаётган, ўзлаштирилаётган объектлар, давлат хўжаликларидаги йирик нуқсонларни рўйхат қилиб бердик ва ҳатто қоғозда бору, амалда йўқ объектларни кўрсатдик. Вазир чора кўришга, ёрдам қилишга ваъда берди, кейин эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасига шикоят қилди. Собиқ биринчи котиб И. Б. Усмонхўжаев аввалига телефон орқали вилоят фирқа қўмитаси биринчи котиби сифатида мени обдон койиди, сўнгра Марказқўм Бюросида «муҳокама»га қўйди. Марказий Қўмита Бюросининг ўша вақтдаги аъзоларининг ҳаммаси ҳаёт ва саломат, бинобарин, ортиқча гапиришга қўймайдилар. Сув хўжалиги вазирлигининг идоравий зуғуми, яккаҳокимлиги асосан капитал қурилишларни маблағ билан таъминлаш ҳисобига амалга оширилади. Вазир ҳам шуни назарда тутиб, кам маблағ ажратиш билан қўрқитди. Мана қандай «дастак»лар ишга солинган эди.

Эслатиб ўтганим қарор денгизни қутқариб қолишга қарата ташланган илк қадам бўлди. Қарорнинг асосий қисми қандай қилиб бўлсада, одамларни сақлаб қолишга қаратилгани учун ҳам мен шундай деяпман. Амалда бу Қорақалпоғистон халқи учун кўрсатилган биринчи «тез ёрдам» эди. Аммо очиқ айтишим керакки, бир қатор муаммоларни ҳал этиш чўзилиб кетди. Нукусга сув келтириш билан боғлиқ бўлган Туямўйин тозалаш иншооти хўжалиги амалда қуриб битказилди: лекин бир йил кечикиб. Тахиатош тозалаш сувтўсқич иншооти ҳам икки йил кечикиб бунёд этилди. Тошқин сувларни қабул қилб олувчи Кўпорас сув иншооти қурилишида ҳам қолоқлик кўзга ташланяпти. Биз бу объектни 1990 йилда Иттифоқ ва жумҳурият ҳукуматлари вакилларига кўрсатдик. Улар иш тўхтаб қолганига ишонч ҳосил қилишди. Ва энди аввалгилардан тубдан фарқ қилувчи тадбирларни белгилаш лозим. Акс ҳолда, Қорақалпоғистон, Хоразм вилояти аҳолисини сув билан таъминлаш бўйича катта ишларни амалга оширган ҳолда, уларга жанубий вилоятлар, дарёнинг юқори қисмида яшаётган кишилар ташлаган пестицидлар ва турли киёмвий моддалар билан булғанган сувни эски пайтлардагидек истеъмол учун берган бўлиб қоламиз.

Қисқаси, қабул қилинган қарорлар ёмон бажариляпти. Қолаверса, ундан кўп нарса кутиш ҳам мумкин эмас эди. Чунки СССР ҳукуматининг ўша қарори бажариб бўлмайдиган талаблар негизига қурилганди. Аниқ куч ва воситалар йўқ эди. Бир неча йил Москва идораларидан «улушбай иштирок» деб аталмиш принцип асосида пул сўраб келдик.

— Маҳзун манзара. Бу аҳволдан қутилиш йўли борми? Сиз етакчи бўлган қўмита нималарни таклиф этяпти?

— Қўмитамиз Орол денгизининг қуриб қолишига алоқадор муаммоларни СССР Олий Шўросининг навбатдаги сессиясида марказий органлар аввал қабул қилган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назорат тартибида кўриб чиқилишини сўраб, 1990 йил 10 майда СССР Олий Шўросига мурожаат этди.

СССР Олий Шўросининг 1989 йил 27 ноябрь қарори билан Давлат комиссиясига СССР Фанлар академияси билан ҳамкорликда, чет эллик олимлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда Орол денгизини қайта тиклашга қаратилган конкурс ишланмалари концепциясини тақдим этиш вазифаси топширилди. Бунинг учун фақат 1990 йил ажратилди. Таассуфлар бўлсинким, ҳукумат конкурсининг шартлари 1990 йил июнь ойидагина эълон қилинди. Қимматли вақт беҳуда йўқотилди. Асосий тадбирлар бажарилмаслиги хавфи пайдо бўлди.


Москвада «Орол» Бутуниттифоқ илмий-мувофиқлаштириш маркази ишлаб турибди. Нукусда экология бўйича минтақа муаммолари Орол маркази тузилди. Сентябрь ойида чет эллик олимларни таклиф этган ҳолда амалга оширилган барча ишларга якун ясаш мўлжалланяпти.

— Барча муаммоларни ҳал этишда биз «Марказ»нинг афсонавий кучига ҳаддан ташқари кўп умид боғламаяпмизмикан? Сизнингча, Орол денгизини қутқариш масаласига жойларда қандай муносабатда бўлишаётир?

— Мен «марказ»нинг бир тарздаги ҳокимона қарорлари тарафдори эмасман. Бунинг устига Орол фожиаси фақат оролбўйиликларнинг иши эмас. Бутун Иттифоқни, ер куррасидаги барча илм аҳлини жалб этиш зарур. Чунки бу қайғу — барчаники.

Адолат юзасидан шуни таъкидлашим лозимки, кейинги пайтларда маҳаллий раҳбарлар Орол юмушлари билан кўпроқ қизиқадиган бўлиб қолдилар. Менга, масалан, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган учрашуви чоғида кўпгина муҳим масалалар қаторида Орол муаммоси ҳам тилга олинганлиги кўп маъқул бўлди. Шундай бўлса-да, яна бир нарсани айтмай иложим йўқ: ҳаммасидан ҳам бурун аниқ маълумотларни олиш керак.

Илгариги услуб ва қарорлар билан Оролни сақлаб бўлмайди, биргаликда ҳаракат қилиш даркор. Менга қолса, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон учун Орол муаммолари бўйича ҳукуматлараро мувофиқлаштириш кенгашини тузишни таклиф этган бўлардим.



— Сиз Оролбўйи муаммосига ёндашиш маданияти ҳақида гапирдингиз. Айтингчи, бунда сиз нимани назарда тутяпсиз?

— Биз дуч келган кўпгина фалокатлар муҳандислик маданияти даражасининг паст эканлиги, экологик этикани яхши билмаслик туфайли юз берди. Бунга мамлакатда табиатни муҳофаза этиш ишлари бўйича ҳуқуқий нормалар ҳаракатсиз бўлганлигини қўшимча қилиш даркор.

Тармоқлар «хўжайин»лари ҳукмига кўр-кўрона эргашавермай, тамомила фанга суяниб, иш кўриш керак. Улар ҳамон ўзлариникини маъқуллаб, турғунлик даври раҳбарларига ўхшаб ваъдабозлик қиляптилар. Ҳеч ким ўз таклифини «ҳар қандай фалокатдан қутқарадиган вариант» деб тазйиқ ўтказмаслиги лозим. Фақат кўплашиб, конкурс йўли билан саралаб олиш орқали денгизни қутқариш концепциясини топишимиз ва ҳукумат қарори орқали аниқ-равшан лойиҳаларга эга бўлишимиз, шундан сўнггина бевосита ишга киришишимиз мумкин.

— Умуман Оролни қутқариш учун умид борми?

— Орол денгизини қутқариш учун умид бор. Орол муаммоси устида қанчалик чуқур бош қотирганим сари ушбу инқирозли муаммони ҳал қилиш учун, эҳтимолки, уни икки босқичга ажратиш керакмикан, деган хулосага тобора қатъийроқ мойил бўла боряпман. Биринчи босқич, бу — денгизни ҳозирги параметрларда жуғрофий объект сифатида сақлаб қолиш. Бунинг учун йилига 25-30 куб. километр сув талаб қилинади. Оролга 21 куб. километр сув етказиб бериш муддатини (аввалига 2005 йилга режалаштирилганди) яқинлаштиришни жуда муҳим иш деб ҳисоблайман. Ишончим комилки, денгизни қутқариш концепциясини конкурс йўли билан аниқлаш ва муаммога янгича ёндашув натижасида мазкур босқич ички ресурслар эҳтиёжлари учун нафақат 21 куб. километр, балки бутун 25-30 куб километр ҳажмида сув топилади.

Иккинчи босқич — денгизни 1960 йилги даражада қайта тиклаш. Бунинг учун йилига 60 куб. километр сув талаб қилинади. Бу мураккаб иш, бироқ уни ҳал қилиш керак. Ушбу босқичда ташқи манбаларни жиддий тарзда ишга солиш тақозо этилади. Бу қандай амалга оширилишини олимлар айтишади. (Биз эса Оролни қутқариш юзасидан бир талай таклифларга эгамиз). Яна қаердадир табиатни хароб қилмайдиган энг оқил қарорда бир тўхтамга келишимиз лозим. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕП деб аталмиш ташкилотларидан бирига мурожаат этдик. ЮНЕП раҳбарияти Орол муаммосини ўз программасига киритишга розилик билдирди. Ҳозир қўлимизда ЮНЕП томонидан СССР ҳукуматига Орол денгизини қутқариш концепцияси ишланмасида ёрдам кўрсатилажаги юзасидан программа лойиҳаси турибди. Сентябрь ўрталарида бу ташкилот экспертларининг мамлакатимизга келиши кутилмоқда. Шу йилнинг сентябрь ойи охири ва октябрь ойи бошларида Нукусда ушбу муаммо бўйича халқаро анжуман ўтказилади.

Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Вилор НИЕЗМАТОВ суҳбатлашди.



ТАҲРИРИЯТДАН: Орол муаммоси — бу фақат экология муаммоси эмас. У ахлоқий, маънавий муаммо ҳамдир. Оролни қутқариш орқали энг аввало биз бутун ер юзидаги ҳаётни қутқарамиз. Шуни ҳисобга олиб, «Советская культура» рўзномаси юзага келган вазиятни ўз назоратига олади ҳамда «Орол» белгиси остида мақолалар программасини ишлаб чиқади. Бу программани амалга ошириш учун биз ўз муштарийларимиз — олимлар, ёзувчилар, журналистлар, маданият арбобларини фаол иштирок этишга таклиф қиламиз. Хуллас, Орол оғриғига лоқайд бўлмаган барча ўз фикрини айтмоғи лозим.

(«Советская культура». 1990 йил 15 сентябрь).

Саёҳатнома

Эркин САМАНДАР, шоир.

Совет тинчликни ҳимоя қилиш қўмитаси Сурияга уюштирган сафар таассуротларга бой бўлди. Сайёҳлар орасида Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларидан, Москвадан таниқли ёзувчилар, олимлар, тинчликни мустаҳкамлаш ҳаракатида фаол қатнашаётган маданият арбоблари бор эди.

Сурия Араб Жумҳурияти пойтахти — Дамашқда мамлакатнинг йирик шаҳарлари — Лакатия ва Халада қизиқарли учрашувлар, унутилмас мулоқотлар бўлди. Сурия Араб Уйғониш фирқаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Сурия тинчликни сақлаш уюшмаси раҳбарларидан бири Муҳаммад Бажбуш, Ҳалаф вилояти тинчликни сақлаш уюшмаси раиси Закри Муҳаммад, тинчлик тарафдорларининг бошқа вакиллари билан бўлган учрашувларда долзарб муаммолар, уларни ҳал этиш тадбирлари муҳокама этилди.

Сафар давомида турли тоифадаги кишилар билан танишдик, қадимий ва гўзал араб юртидан самимий дўстлар орттирдик.



РАССОМ ВА ТУЖЖОР

МАМЛАКАТНИНГ бошқа вилоятларида бўлганидек, кўҳна Ҳалаф шаҳрида ҳам самбит гуллари ял-ял очилиб ётибди. Ям-яшил баргларαро чўғдай товланиб турган ғунчалар ўзимизнинг қизил гулларни эслатади. Бутун шаҳар бўйлаб уларнинг муаттар бўйлари таралади.

Ҳалафни тош қўшиқлар шаҳри дейишади. Бунинг боиси шуки, шаҳар қурилишида қарийб ёғоч ишлатилмаган, иморатлар бутун-бутун тошлардан тикланган, ҳатто болохоналарнинг панжаралари ҳам тошлардан йўниб ишланган. Мармардай ярақлаган шундай тош-шаҳарда қип-қизил самбит гулларининг яшнаб туриши унинг ҳуснига-ҳусн қўшган.

Қадимий Ҳалаф қалъасининг энг юқорисида ўсиб турган бир туп самбит киши хаёлларини узоқларга етаклийди. Қалъа ҳозирги шаҳардан анча тепада, гўё қўл етмас юксакликда жойлашган. Сон-саноқсиз зинапоялардан қалъага чиқилгач, унинг тепасидан шаҳар худди кафтдагидек равшан кўринади. Ўша самбит қалъанинг энг тепа нуқтасида макон тутган, тошлар орасида чамандай яшнаб турибди. У гўё олис мозийдан нишон, у гўё аждодлар қонидан ўсиб чиққандай қип-қизил, у гўё аждодлар руҳидек уйғоқ. Пастда — шаҳарда ўсаётган самбитларга ўтмиш кунлардан, аёвсиз курашлардан, жанггоҳлар суронидан ҳикоя сўйлаётгандай шамолда вазмин тебранади, барглари сирли шивирлайди.

Таниқли ҳалафлик рассом Шариф Муҳаррам бундай манзаралар ёнидан бепарво ўтолмайди. Қалъага кўтарилганида ўша бир туп самбит қошида соатлаб ўтиради, хаёлга чўмади, гул чиройини, унинг розларини чизади, чизаверади.

Рассом билан биз «Ал-Сайёҳ» меҳмонхонасида, дастурхон атрофида учрашиб-танишдик. У ўзи ҳақида, юрти ҳақида сўйлар экан, рассом кўзи билан бизни кузатади, юзимиздан нималарнидир уқмоқчи бўлади. Мен эса унинг сўзларини диққат билан тинглайман, кўзойнак остидан теран боқувчи кўзларида бироз севинч, бироз мунг, бироз ўкинч кўраман.

— Мен кўпроқ кенгликлар манзарасини яратишни хуш кўраман, — деди Шариф Муҳаррам дераза оша нигоҳини узоқларга тикканча. — Кенгликни кенг тушунмоқ керак. У фақат бизнинг бугунги кунимиз, юртимизнинг парчасигина эмас, балки олис тарихлар гувоҳи, боболаримизнинг изларини ўз бағрида сақлаб келаётган табаррук тупроқдир.

Рассом ўз болалигини, ота-боболарини эслайди.

Ш. Муҳаррамнинг аждодлари асли туркманлар бўлиб, ўтган асрда Озарбайжондан Туркияга кўчиб, у ерда муқим яшаб қолганлар. Рассомнинг ака-укалари, қариндошларининг кўпчилиги ҳозир ҳам Станбулда яшашади. Шариф Муҳаррам кўпдан Арабистонда яшайди Сурия фуқароси, Ҳалафни ўз ватани деб билади. Лекин...

— Туркман отларини тасвирлашни ёқтираман, — дейди у хаёлга берилиб, сизлар биласизлар, туркман отлари нақадар чўх бўлади, баланд, сағринлари кенг, қўйиб юбор, учаман деб турищади. Яқинда битта асар устидаги ишимни тугалладим. Туркман оти, уни эпчиллик билан бошқараётган туркман қизи тасвири.

Рассом ўз асарининг яратилиш жараёни, ижодий муаммолар ҳақида гапирди. Ижодий ишлар-ку бир нав, аммо оиладан омад келмади. Кўп бўлди дилни ёлғизлик эзади, юрак хуружининг асоратлари ўртайди.

Шариф Муҳаррам бизни ўз дўсти Ҳасан Моҳли билан таништирди. Ўнг оёғи оқсоқ, аммо ҳаракатчан, ҳазил-мутойибага ўч бу одам савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланади. Ўзининг ёғоч-тахта омборлари ва дўконлари бор.

Умуман Ҳалаф Сурияда тижорат билан энг кўп шуғулланадиган йирик ва ривожланган шаҳар. Ал-Мадина бозорининг узунлиги 11 километр, сон-саноқсиз дўкон ва расталарда дунёнинг деярлик ҳамма буржларидан келтирилган маҳсулотлар, кийим-кечаклар, ашёлар сотилмоқда, дўконлар шахсий, не керак, савдолашиб олаверасиз.

— Ҳасан, Сурияда катта ўрмонлар йўқ, дўконингизда эса ёғоч-тахта сероб, сиз уларни қаердан оласиз?

— Мен тужжорман. Кўп мамлакатлар билан алоқа ўрнатганман. Яқинда Руминиядан, Югославиядан ёғоч келтирдим. Россиядан ҳам тахта олдим. Лекин ўзидан эмас, Югославия орқали, Югославия Россиядан олди, менга сотди. Бу унга ҳам фойда, менга ҳам арзонга тушади.

Ҳа, савдо-сотиқнинг, тижоратнинг ўз қонун-қоидалари, ўйинлари бор. Лекин охир-оқибат бу бозорда тўкинликка, мўл-кўликка олиб борадиган йўллардан бири экани ҳам азалдан маълум.

Кези келганда хорижга борувчиларга алмашлаб берилаётган пул миқдорининг озлиги ҳақида матбуотда кўтарилаётган масалаларниг нақадар ҳаққоний эканлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, бизга бор-йўғи 50 сўм алмашлаб беришди. Тўғри, бу муаммони ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда. Яқинда қабул қилинган қарорга биноан энди бизнинг банклар совет пулини долларга айлантириб бериши мумкин. Лекин, барибир бу борада узил-кесил тадбирлар кўрилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Қуйида Лакатия шаҳрида битилган янги бир шеър ҳурматли муштарийлар ҳукмига ҳавола этилди.

ШУНДОҚ, ЖЎРАҚУЛ
(ярми ҳазил)

Ҳамённи қарасак қуп-қуруқ,
Дамашқдаёқ тугаб қопти пул.
Дард сўрамас пулинг борми, йўқ,
Кўзим оғриб қолди, Жўрақул.
Дори қайда энди, биз қайда,
Пул бўлмагач, аҳволимиз шул.
Хорижда, пул бўлмаган жойда
Кўз ташвишга солди, Жўрақул.
Ўтиб борар арабий қизлар,
Кўз шолғомдир, очилмас қурғур.
Биз шундоқмиз, шундоқмиз бизлар,
Дил зардобга тўлди, Жўрақул.
Пальмирада бир гадо кўрдим,
Термуларди у менга нуқул.
Мен бўлсам гадога термулдим,
У устимдан кулди, Жўрақул.
Фин, японлар юришади ғоз,
Гердаяди африқалик қул.
Неъматжонда йўқ қалам, қоғоз,
Бизга нима бўлди, Жўрақул.

(Давоми бор).

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар



Шаҳризоданинг минг иккинчи ҳикояси

...Подшоҳнинг марҳамати туфайли омон қолган Шаҳризода севинганидан уч фарзанди билан тоғу тошларга кетган экан. У кўп юрибди. Кўп юрса ҳам, мўл юрибди. Охири Бойсун тоғларининг кўрку жамолига мафтун бўлибди. Ўша ерда макон қурибди. Тоғнинг шифобахш ўсимликларидан тамадди қилишиб, фарзандларини оёққа турғазибди. Кунлардан бир куни уларни ёнига чақирибди. Сўнг қуйидаги сўзларни айтибди:

«Минг шукрким, шунчалик оёққа турдингиз. Жамолингизни кўрдим. Насиб этса, камолингизни ҳам кўрай. Бунинг учун одамлар орасида бўлиб, улардан камолот сирларини ўрганиб қайтишим керак. Мен қайтгунга қадар, сизлар уч оға-ини ботирлар азиз, иноқ бўлиб яшангиз».

Улар рози бўлишибди. Кузатиб, қўл силтаб қолишибди. Шаҳризода тоғдан тушиб, одамлар сари юрибди. Қараса, ҳамма одамлар бир томонга юришаётган эмиш. Бежиз бўлмаса керак деб, у ҳам ўша томонга юрибди. Борса одам тумонат. Саҳнада эса худди ўзига ўхшаган қиз қўшиқ айтаётган экан. Ҳайрон қолибди. Айниқса, қошлари ёшлигини эслатибди. Кейин шу қиз ҳақида ўғилларига ҳикоят сўзлашни дилига тугибди. Марказда маълум фурсат бўлгач, ўзига ўхшаган қиз ҳақидаги маълумотларни билгач, яна тоғ томон юрибди. Фарзандларининг соғинчларини қондиргач, кўрган-билганлари ҳақида минг иккинчи ҳикоясини бошлабди:

Дунёда одамлар турлича бўлишлар экан. Бири орзули, бири орзусиз... Бойсундаги Назрулла ота 51 ёшга қадар фарзанд кўрмабди. Лекин кунлар ўтган сари ич-этини еб, дардини айтолмай юраверибди. Кейин 25 ёшлик Тамарага уйланибди. Замонанинг зайли билан йиллар кутган хурсандчилик унга насиб қилибди. Биринчи, иккинчи фарзанди қиз бўлибди. Биринчисини Гулнора деб атабди. Иккинчисининг эса исмини юксакдан танлабди. Жаҳонни кезсин, дунёни кўрсин деган умидда Сайёра деб атабди. Кунлар, ойлар, йиллар ўтибди. Хотини бирин-кетин ўн бир фарзанд кўрибди. Ота бирини эркалаб, иккинчисини суйиб умр кечирибди. Энди уларнинг бахту-камолини кўришни орзу қилиб юрибди. Лекин бу орзусига етолмасдан оламдан кўз юмибди. Фарзандларининг ҳар бири ўз ўрнига эга бўлиб ўсишибди. Каттаси Гулнора асли шифокор бўлса-да, ёшлигидан хиргойи қилишни ёқтираркан. Унга қараб Сайёра ҳам эргашадиган бўлибди. Тез орада сингиси опасидан ўзиб кетибди. Турли хил байрамларда қўшиқ айтадиган бўлибди. Унинг овози янграганда Бойсун шалолалари ҳамоҳанг бўлар, булбуллар нолишдан тўхтаб, қулоқ солар экан. Адирлардаги гўзаллик унга илҳом ато қилар экан. Шу зайл Бойсунда ажиб хонанда вояга етибди. Ўрта мактабни тугатгач, уни ноҳиядаги «Шалола» дастасига таклиф қилишибди. Онаизорнинг розилигидан сўнг сабоқ беришибди. Шу зайл кунлар ўтаверибди. Жумҳурият «Зангори экран»ида «Биз Сурхондарёданмиз» вилоятлар ҳаваскорлари конкурсида қатнашибди. Сайёранинг халқ ижоди асосида айтган лапарлари сўйламаганни сўйлатиб, ўйнамаганни ўйнатибди. Шу боис кўпчиликка танилибди. 1980 йил эса яна «зангори экран»да «Ўзбекистон куйлагай» телевизион баҳсида голибликни қўлга киритибди. Шу-шу нафақат Бойсунда, Сурхон воҳасида, ҳатто Ўзбекистонда ажиб қўшиқлари тез-тез янграйдиган бўлибди. Қизиғи шундаки, Сайёра Қозиева фаолиятида дўстлик, қардошлик мужассам эмиш. Шунданмикан, у ўзбекча «Эй санам», «Лолажон», «Халинчак» қўшиқларини ҳам, тожикча «Биби санам», «Майда-майда», «Аё духтарҳо»ларни ҳам, машҳур эрон хонандаси Гугушнинг «Ман омадам» қўшиғини ҳам бирдек меҳр билан, завқ билан куйлар экан. Уларни юзлаб одамлар берилиб тинглар экан. Кунлардан бир куни хонандага дастадаги кларнет чолғучиси Илҳом Халилов севги изҳор этибди. Улар турмуш қуришибди. Фарзандлари исмини Дилмурод, Беҳруз қўйишибди.

«Шалола»нинг обрўси ошгандан-ошибди. Унинг хонандаси Сайёранинг номи ҳам яна танила борибди. Хорижларга етгудек бўлибди. Бундай пайтларда онаизори ёрдам бериб, набираларини меҳр билан боқибди.

«Шалола» фольклор дастаси Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси халқаро кўригида биринчи ўринни эгаллабди. Афғонистон сафаридан ҳам бир олам яхши таассуротлар билан қайтишибди. Кейинги навбат Буюк Британияга келибди. У ерда ҳам фольклор дасталари кўригида бутун мамлакатдан биргина «Шалола» қатнашибди. Денгизлар, дарёлар, океанлар оша хонанда Сайёранинг овози яна жаранглабди. Унинг ўнлаб қўшиқларини, энг муҳими халқимиз миллий лапарларини қарсаклар билан кутиб олишибди. Унга санъат борасида омадлар тилашибди. Сайёра ўзи устида кунт билан ишлар экан, ҳатто қатор кўйларни ўзи куй басталабди. Шафоат Раҳматуллаевнинг «Онажон», Турсуной Содиқованинг Афғонистон ҳақидаги шеърларига куй басталаб, тингловчиларга тақдим этибди. Усмон Азимовнинг «Ҳасрат» шеърига басталаган куйи, халқ ижодидан ўрганган «Гамгаштак», «Ёргинчоқ» қўшиқларини ҳам тинглаган кишида завқ уйғотаркан.

...Одамлар ҳар хил бўлар экан, бири орзули, бири орзусиз. Орзули отанинг қизи ҳам орзули чиқибди. У энди падари бузрукворининг руҳини шод этиш мақсадида унга бағишлаб қўшиқ куйлашни ният қилибди. Шу маънода шоирларга фикрини айтибди. Т. Шукуров ёзган шеър унинг ўйлаганидек чиқибди. Айниқса:

Юртим боғларида изин излайман,
Тупроғин сурмадек суртиб кўзимга.
Сен экнан дарахтлар шохин ушлайман,
Япроқларин отажон босиб юзимга.
Номини юксакдан танлаган хотам,
Булбулдек забоним истаган отам

каби сатрлари унга манзур бўлибди. Ҳозир шу қўшиқни ҳамда туркча «Лайло» қўшиқларини тайёрлаган эмиш. Келгусида Алла Пугачёванинг дил титратар ҳаётий қўшиқларини ўрганиш нияти ҳам бор эмиш.

Унинг ҳикоясини тинглаб ўтирган фарзандларидан Сайёранинг кўргилари келибди. Унинг кўриниши ҳақида яна гапириб беришни илтимос қилишибди. Шаҳризода бир дам тўхтаб, яна сўзлаб берибди:

Дунёнинг ишлари қизиқ бўлар экан. Ҳаётда ҳар бир кимсанинг ўзига ўхшаган шериги бўларкан. Сайёранинг қошлари худди менинки каби, кўзлари эса чақноқ. Юзида ярашиқлик кулгичлари бор. Бахтиёрлигидан куйлаши замонасига мос. Мен унинг билан ҳикоят сўзлагандим. У завқ билан қўшиқ айтаяпти. Бахтини, камолини ардоқлаяпти. Уни ҳатто халқ ижодиётини кенг тарғиб қилишдаги, ёш авлодни маънавий гўзал қилиб тарбиялашдаги катта ва самарали фаолияти учун жамоа аъзолари фаол иштироки учун комсомол мукофотига тавсия этишибди.

Уч оға-ини ботирлар Шаҳризоданинг ҳикоясига берилиб кетиб, тугаганини ҳам сезмай қолишибди. Шу дақиқа Бойсун тоғларида Сайёра Қозиеванинг «Онажон» қўшиғи янграбди. Шаҳризоданинг минг иккинчи ҳикояси шу зайл ниҳоясига етибди.

Муқаддас СОЛИҲ қизи.

МАШРАБ АВЛОДЛАР АРДОҒИДА


Наманган вилоятида машҳур шоир Машраб таваллудининг 350 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди. Узоқ йиллар мобайнида номи унутилган шоир энди ўз халқи ҳузурига қайтиб келмоқда.

Байрамда шоирлар, носирлар, адабиётчи олимлар, санъаткорлар қатнашадилар. Дарсхоналар, клублар, кутубхоналар ва дала шийпонларида Машраб сўзи билан айтиладиган қўшиқлар янграмоқда, унинг ижодиёти ҳақида гапирилмоқда.

Бобораҳим Машраб ўз даврининг ажойиб кишиларидан бири бўлганди. Лекин узоқ йиллар мобайнида унинг динга муносабати нотўғри талқин қилинди, бу эса Машраб тақдирига ёмон таъсир кўрсатди. Ўз халқини чексиз севган ва бойлар ҳокимиятини лаънатлаган, доно ва истеъдодли исёнкор шоир, дайди шоир ўз бошидан кўп машаққатларни кечирди. Шунинг учун ҳам бугунги авлод уни қанча ёдга олса, шунча арзийди. Шоир тўйи муносабати билан ўтказилаётган тантаналарнинг мақсади ҳам шу. Санага бағишланиб совға-салом буюмлари, чиройли календарлар, шоир ижодидан ҳикоя қилувчи ранг-баранг безаклар билан безатилган китобчалар чиқарилди. А. Навоий номли вилоят мусиқали драма ва комедия театри саҳнасида Азиз Турсуннинг «Бобораҳим Машраб» пьесаси асосида саҳналаштирилган спектакль қўйилмоқда.

(ЎзТАГ).





Виждон эркинлиги—олий қадриятимиз

ХИВАДА ЯНГИ МАДРАСА

Ҳозир бундай хабар билан бировни ажаблантириш қийин. Уч-тўрт йил олдин бошқа гап эди.

Шундай қилиб, кўҳна Хива шаҳрида ислом мадрасаси очилди. Атиги етмиш йил олдин бу шаҳарда ўнлаб мадрасалар бўлгани, уларда жаҳонга таниғлик алломалар сабоқ олгани, дунёнинг барча бурчларидан талабалар келиб, улар илоҳиёт, сарф ва наҳв, мантиқ ва фалсафа, тарихни ўрганишгани — ўтмиш мулки. Бугунги ҳаракат — ўтмишимизни тиклаш, алданган авлодларни хато йўлдан қайтариш, боболар мероси ворислигига даъвогарлик умидимиз...

Мадрасада юз нафарга яқин талаба таҳсил олмоқда. Бино тариқасида ноҳия электр шохобчалари корхонасининг эски ўрни ажратилди. Ичон қалъасидаги ҳақиқий мадрасалардан бирини ажратиш мумкин эди. Аммо шундоқ ҳам кун аро ҳароб бўлаётган обидага зарар етказмаслик фикри ҳаммасидан устун чиқди.

Даргоҳга хоразмлик машҳур аллома Маҳмуд аз Замахшарий номи берилди. Талабалар бу ерда араб тили грамматикаси, ўймакорлик ва хаттотлик, Шарқ меъморчилиги асослари, адабиёти ва маданияти, Хоразм тарихи, мантиқ ва фалсафа, ўзбек тили, кандакорлик ва кулолчилик, ганч ўймакорлиги, мисгарлик ва заргарлик бўйича мукаммал сабоқ оладилар. Муқаддас Қуръон қироати, ҳадисларни ўқиб, ўрганадилар.

Воҳадан ва бошқа қўшни вилоятлардан келган йигит-қизларга ўз касбига ихлос қўйган домлалар — Ортиқ Эшчон ўғли, Гавҳар Отажонова, Қўзибой Полвонов, Ботир Матёқубов, Пўлат Юсуповлар пухта билим беришга аллақачоноқ киришишган.

Машғулотлар хоҳловчиларнинг истаги бўйича / кундузги ва кечки тартибда олиб борилмоқда. Ўқиш пуллик бўлиб, бу мадрасанинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши, шунингдек, ўқув қўлланмалари, китоблар, бошқа зарур анжомлар олиш имкониятини ҳам яратади. Билим даргоҳи моддий базаси шу зайил мустаҳкамланиб борилади.

Айни пайтда бу ерда ҳунар ҳам ўргатилади. Талабалар куннинг биринчи ярмида назарий билим олсалар, тушдан кейин халқ амалий санъати — гилам, полос тўқиш, телпак тикиш сир-асрорларини ўрганиб, ўқув-ишлаб чиқариш бўлимида ишлайдилар.

Шуни таъкидлаш керак, мадраса очилишида СССР маданият фонди вилоят бўлими ҳамда Хива шаҳар халқ депутатлари Шўроси ижроия қўмитаси ташаббускор бўлишди. Унга малакали ўқитувчи-мударрислар танлаш, бошқа муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдамлар беришди.

Яқинда мадрасада бўлганимизда, эзгу иш бошламасининг илк қадамларига дуч келдик. Бизни талабалар таҳсил олаётган дарсхонага таклиф қилишди. Хонада йигит ва қизлар аралаш ўқиётган эканлар. Буни ҳозирча синф хоналари камчилигидан деб изоҳлашди. Бино ҳовлисидаги омонат жой ўринларини эса... узоқдан қатнаб ўқиётганларга ётоқхона ҳал бўлмагани, улар ҳовлида ётиб юришганини айтишди. Ҳозирча кунлар илиқ. Эрта-индин аёзли кунлар бошланса, нима бўлади? Бунга мударрисларнинг ҳам боши қотган. Шу ерда жойлашган қўшни ташкилотларнинг шундоқ ҳам фойдаланмай ётган қўшимча хоналарини мадраса ихтиёрига бериш масаласи ижобий ҳал бўлмаётир...

Аввало, қадим-қадимдан илм-фан маскани бўлган Хивадек шаҳарда амалга оширилган бу ишни алқамоқ зарур. Негаки, эрта-индин жаҳонга таниғлик хоразмийлар, берунийлар, огаҳийлар шу гўшадан қайта етишиб чиқса ажаб эрмас.

Кўҳна шаҳарда янги мадраса очилиши — қутлуғ юбилейини нишонланиши арафасида турган Хивага ўзлигининг қайтиши, деб баҳо берилса, янада тўғрироқ бўларди...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: мадраса ҳаётидан лавҳалар тасвирланган.
Жумабой ҚОЗОҚ суратлари.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Шуъла» адабий уюшмасининг навбатдаги машғулоти 23 сентябрь соат 13.00 да жумҳурият ёш ижодкорларининг «Илҳом» клубида бўлади. Бу машғулотда уюшманинг 10 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш масаласи муҳокама қилинади. Машғулотга уюшманинг барча аъзолари таклиф этилади.

ТВ

22 СЕНТЯБРЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

10.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

11.00 «Фарзандлар даври». Бадиий фильм («Мосфильм»). 12.30 «Оналар мактаби». 13.00 «Амалий давра суҳбати». Якка тартибда уй-жой қурилишининг қандай бораётганлиги ҳақида 14.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлар ва қонун».

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Қуёшга аталган ёстиқча». Мультфильм. 18.15 «Қўшиғим, жон қўшиғим». Фарғона ноҳияси болалар бадиий жамоаларининг чиқиши. 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Оқшом эртаклари». 20.00 «Мақом». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Аския». 21.30 «Ҳафтанома». Ахборот-мусиқий кўрсатув. 22.30 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Бадиий-мусиқий кўрсатув. 00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Сиз яратган боғ». 8.30 «Владимир Лубенко». Ленинградлик мусаввир ҳақида кўрсатув. 8.50 «Ҳайвонот оламида». 9.50 «Партнёр». Тижорат хабарномаси. 10.20 Останкино концерт студиясида драматург М. Шатров билан учрашув. 12.25 «Водринглар қироли йўқолсин». Болалар учун телевизион спектакль премьераси. Муаллиф — К. Нестерлингер. 13.45 «Сиёсий мулоқотлар» туркумидан. «Орол». Валаамнинг тикланиши ҳақида. 14.45 МТ хазинасидан. «Салом, дўхтир». Телевизион бадиий фильм (Одесса киностудияси). 16.05 Жаҳон халқларининг ижоди. 16.35 «Давр архивлари». Телевизион илмий-оммабоп фильм премьераси. 4-серия — «Уйинда жонланган ўрта аср». 5-серия — «Улкан сув ҳалқасида». 17.35 В. И. Ленин номли МПГУ «Млада» хорининг чиқиши. 17.50 «Халқаро панорама». 18.35 «Поезд Паддингтон вокзалидан 04.50 да жўнаб кетади». Телевизион бадиий фильм премьераси (Буюк Британия). А. Кристи асари асосида. 20.30 «Вақт». 21.00 СССР ҳукуматида. 21.10 «Бахтли тасодиф». Оилавий телевикторина. 22.25 «Парнас сари бир босқич» халқаро телевизион фестивали. 2-тур. 00.40 «ТСН».

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 7.50 «Чашмалар». Кўрсатувни СССР халқ артисти Н. Мешко олиб боради. 8.17 Иттифоқдош жумҳуриятлар студияларининг фильмлари. «Сояда 40 даражадан ортиқ» («Озарбайжонфильм»). 9.25 «Майдон». Спорт программаси.

10.30 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ВИДЕОКАНАЛИ

13.00 «Ҳамдўстлик». видеоканали. 16.30 «Туяга апельсин не даркор?». Мультфильм. 16.40 «Оила». 17.35 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 18.00 «Экранда Сибирь». Киножурнал. 18.10 «Кўк конверт». «Аскарлар куйлаганда» аскар қўшиқлари фестивали» программаси томошабинларининг хатлари асосида. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бананли пирог». Мультфильм. 1-қисм. 19.45 Коллаж. 19.50 «Биз яшаётган олам». Режиссёр В. Трошкин фильмлари. «Учиш чизиғи», «Бизни кечиринг...». 20.30 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 21.00 РСФСР Олий Шўроси сессиясининг кундалиги. 22.00 СССР Олий Шўроси сессиясида. 22.30 Н. В. Гоголь. «Иван Фёдорович Шпонька ва унинг холаси». Телеспектакль. 23.25 Теннис. Дэвис кубоги. СССР — Испания терма командалари. В. И. Ленин номидаги Марказий стадионнинг кичик спорт майдонидан кўрсатилади.

Муҳаррир ўринбосари Фаррух РАҲИМОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23579.